

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 934-ҳадис

— وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ عَبْدٍ تُصِيبُهُ مُصِيبَةٌ، فَيَقُولُ: إِنَّ اللَّهَ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللَّهُمَّ أَجِرْنِي فِي مُصِيبَتِي، وَأَخْلُفْ لِي خَيْرًا مِنْهَا، إِلَّا آجَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي مُصِيبَتِهِ، وَأَخْلَفَ لَهُ خَيْرًا مِنْهَا» قَالَتْ: قَلَمَّا ثُوُقَيْ أَبُو سَلَمَةَ قُلْتُ كَمَا أَمْرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخْلَفَ اللَّهُ تَعَالَى لِي خَيْرًا مِنْهُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ . [918/4]

934. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирор бандага мусибат етса, «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи роожиъун. Аллоҳуммаъжурний фии мусибатии ва ахлиф лии хойрон минҳа» (Биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтувчимиз. Эй Раббим, мусибатимда ажр қил ва менга ундан яхшироғини бер) деса, Аллоҳ мусибатида унга ажр беради ва бунинг ўрнига ундан яхшисини насиб қилади», дедилар.

Абу Салама вафот этганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган нарсаларни айтиб юрдим. Аллоҳ менга унинг ўрнига ундан афзалини – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни насиб қилди».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда истиржоъга «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи роожиъун»ни айтишга тегишли қисми таъкидланиб келмоқда. Ҳа, мўмин-мусулмон ўзига мусибат етганда ҳам ёки баъзи ҳадиси шарифларда айтилганидек, оёқ кийимининг или узилганида ҳам истиржоъ айтмоғи лозим. Ундан сўнг эса ушбу ривоятда келаётган дуони ўқиши керак:

«Аллоҳумма ажирни фи мусибати вахлуф ли хойром-минҳа» (Эй Аллоҳим, менга мусибатимда ажр ва унинг ўрнига яхшироғини бергин).

Бунда етган мусибатга сабр қилиш, Аллоҳнинг иродасига таслим бўлиш ва Аллоҳ таолонинг раҳматидан энг оғир пайтларда ҳам ноумид бўлмаслик сифатлари мужассам бўлган.

Ушбу ҳадиси шарифнинг бошқа ривоятларида Умму Салама онамиз розияллоҳу анҳо қуидагиларни айтадилар:

«Абу Салама вафот этганида, истиржоъ айтдим ва ҳалиги дуони ўқидим. Сўнгра ўзимча, менга Абу Саламадан яхшироқ эр қайда, дедим. Иддам чиққандан сўнг Расулуллоҳ келиб киришга изн сўрадилар. Тери ошлаб ўтирган эдим, қўлимни ювиб, киришларига изн бердим. У зотта ичига хурмонинг юмшоқ қобиги тўлатилган тери ёстиқ бердим. Ўтирганларидан сўнг, менга уйланмоқчи эканликларини айтдилар. У зот гапларини тугатгач, мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга рағбат қилмаслигим мумкин эмас, лекин мен жуда рашкчи аёлман, сизга ёқмайдиган нарса мендан содир бўлиб, Аллоҳнинг азобига дучор бўлмай, деб қўрқаман. Сўнгра ёшим катта бўлиб қолди, бунинг устига, болаларим бор», дедим. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Сен айтган рашкни Аллоҳ тезда кетказади. Ёш тўғрида гапирсанг, менинг ҳам ёшим бир ерга бориб қолди. Болаларинг бўлса, улар менинг ҳам болаларим», дедилар. Аллоҳ менга Абу Саламанинг ўрнига ундан яхши зотни — Расулуллоҳни берди».

Умму Салама онамиз, бир эр бўлса Абу Саламачалик бўлар, мен бу дуони ўқисам ундан яхшироқ эр насиб қиласмиди, деб дуони ўқимай қўйишлари ҳам мумкин эди. Лекин ўша хаёл ўтган бўлса ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларига амал қилиш иштиёқигина у дуони ўқишга ундини ва ўзлари кутмаган томондан Аллоҳ таоло у кишига дунёдаги энг афзал эрни ато этди. Шунинг учун динимиз амрларини суриштирмай амалга оширишга ҳаракат қилиш керак. Фақат шунда тўлиқ саодатга эришилади.

Манба: hadis.islom.uz



